Ватанни севмак иймондандур!

# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 24 январь, сешанба №11(21.774.) Сотувда эркин нархда.

*Президент фармонлари — амалда*

## ҚАТОРИДА НОРИ БОРЛАР

Анваржон Воҳидов фермерчиликнинг этагидан тутганига кўп бўлгани йўқ. Банкдан 14 миллион сўм қарз олиб, ем жамғаришга, арматура сотиб олишга сарфлади. Академик Саримсоқов номли жамоа хўжалигидан ўзига ажратилган майдонни ўзлаштириб, 15 бош қорамолга молхона тиклади. Унинг ёнида кўк ўт сақлашга мўлжалланган ҳандақни ишга туширди. Бошқачасига айтганда, қаровсизликдан ҳувиллаб ётган ташландиқ жой кўзни яшнатадиган экинзорга айлантирилди. 70 сотих ерга экилган 115 туп кечки олма кўчати қаддини тутиб, ҳосил берди.

Ҳозирги иқтисодий қийинчиликлар даврида калаванинг учини топиб, оқилона иш юритиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Анваржон фермер бунинг уддасидан чиқмоқда. Бир пайтлар қарз-қавола қилиб олиб қўйган юк ташувчи машинаси унинг кунига ярамоқда. Ишчан фермер соғин сигирнинг сонини кўпайтиришга эмас, кўпроқ маҳсулдорлигига эътибор беради. Зотдор молларни парваришлаб, улардан кутилган самара олишга ҳаракат қилади. Қарамоғидаги 30 бош қорамолнинг ҳаммаси шундай.

Етилган буқалар сўйилиб, гўшти давлатга топширилмоқда. Ёки бозор баҳосидан нисбатан арзон нархда сотиляпти.

Парваришдаги қорамоллар кун сайин семириб, этга кирмоқда. Бир тарафда эса уларни боқишга шарт-шароит етарли. 4 гектар майдонга экилган маккажўхори, 2 гектардаги буғдой ўриб олиниб, ўрнига яна озуқабоп экинлар экиб қўйилди. Буларнинг ҳаммасига атиги олти нафар киши улгурмоқда. Яъни улар молларни парваришлашдан тортиб, озуқа жамғаришгача бўлган ишни уддалашмоқда. Фермерлик бекорчиликни ёқтирмайдиган тармоқ. Шунинг учун ҳам бу ердагилар қўллари ишдан бўшади дегунча бирбирларига қарашиб кетаверадилар.

Шундай иш усули «Ҳақиқат» жамоа хўжалигига қарашли Бўрибой Охунов бошлиқ фермер хўжалигида ҳам қарор топган. Бу ерда олти ишчи ишлайди. Уларнинг ҳаммаси фермернинг фарзандлари. Ота шу ишнинг этагидан тутди-ю, болалар бекорчи юришларини йиғиштириб қўйишди. Отасининг қанотига кириб, фермерлик билан шуғуллана бошлашди. Латифжон ем-хашак жамғариш билан, Маъмиржон эса эртаю кеч ферманинг иши билан банд. Бошқалар ҳам шундай: ҳар бирининг ўз вазифаси бор. Уларнинг 45 бош қорамоли бор. Семиртирилган моллар сўйилиб, гўшти давлатга етказиб бериляпти. Асли иқтисодчи бўлган хўжалик бошлиғининг фермерликка боғланиб қолганининг ўзи қизиқ бўлган. 1989 йили у жамоа хўжалигидан ҳар бири юз килограммлик юз бош молни ижарага олиб, омадини синаб кўрмоқчи бўлди. Фарзандларини ёнига олиб ишга астойдил киришди. Натижада ўша йили ҳар бош қорамол 400 килограммга етказиб семиртирилиб, давлатга сотилди. Кейинги икки йилда ҳам оилавий ижарачилар ўзларига маъқул тушган шу усулни ривожлантиришди.

— Мустақил иш олиб бораётганимга энди икки йил бўлди, — дейди Бўрибой Охунов. — Жамоа хўжалигининг молхонасини ижарага олиб, ёнида ўзимиз учун маъмурий бино қурдик. Фермер хўжалигимизга ажратилган 6 гектар майдонда озуқа экинлари етиштириб, ҳисобимиздаги қорамолларни ўн бошдан 45 бошга етказдик. Ҳозир фермер хўжалигимизга ажратилган майдон тўққиз гектарни ташкил этади. Ҳар бош қорамол кунига 700 граммдан семирмоқда. Сут етиштиришни ҳам йўлга қўйишди. Яқин йиллар ичида эса қорамоллар сони кўпайтирилиб, 100 бошга етказишади. Тадбиркор, ишбилармон, зукко бу фермернинг ёнида Уткир Аҳмадалиев бошлиқ яна бир фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Бошқачасига айтганда, икки оилавий фермер бир-биридан ўрганиб, бир-бирини тўлдириб иш юритмоқда. Уткиржоннинг хўжалигига аввал колхозда агроном бўлиб ишлаган отаси асос солган эди. Ишлар эндигина оёққа турганда отаси янги ташкил этилган хўжаликка раис бўлиб кетди. Фермер хўжалигидаги ишларни Уткиржонга топширди.

— Давлатдан олган қарзимиз кифоя қилмай, уйимиздаги енгил автомашинани ҳам сотдик, — дейди Уткиржон Аҳмадалиев биз билан суҳбатда. — Оилавий жамғармамизга йиғилган 100 минг сўмга ўнта новвос сотиб олдик. Колхоздан ажратиб берилган 4 гектар ерга экин экиб, тирикчилик қилдик. Семиртирилган новвосларни сўйиб давлатга 3,6 тонна гўшт етказиб бердик.

Ҳозир Уткиржоннинг фермер хўжалигида 20 бош қорамол, 20 бош қўй, битта от бор. Чорвачиликка ихлос қўйган ёш фермер ишни тўғри ташкил этиб, муддаосига етди. Тез орада давлатдан олган 50 минг сўм қарзидан қутилди. Энди у бу соҳани ривожлантириб, тумандаги манаман деган фермер билан беллашиб ишламоқчи. Бунинг учун зарур шарт-шароитларни яратмоқда. Жумладан қорамолларни кўпайтириш учун қишки бостирмани қурди. Ҳайвонларнинг маҳсулдорлигини ошириш йўлларини излаяпти. Интилганга толе ёр, дейди доно халқимиз. Уткиржон фермерликнинг эртанги истиқболига катта ишонч билан қарайди.

«Шарқ юлдузи» жамоа хўжалигидаги Шукрулло Мўминов бошлиқ фермер хўжалиги шаҳрихонликларнинг фахри. Бу ерда фермерликни сердаромад соҳага айлантириш бўйича катта ишлар қилинмоқда. ЎзХДП Шаҳрихон туман кенгашининг биринчи котиби Мухторжон Отабоев билан иқтидорли фермер ҳузурида бўлганимизда бунга яна бир бор иқрор бўлдик.

— Комсомолобод туманида аввал пахтачилик бригадасини бошқардим, кейин ўн икки йил чорвачилик фермасида мудирлик қилдим, — дейди хўжалик фермери, ХДП аъзоси Шукрулло Мўминов бизни ўз жамоасидаги ишлар билан таништирар экан. — Шу вақт ичида қорамолларни қандай парваришлаб, боқиш сирларини пухта ўзлаштириб олдим. Оилам, болаларим билан ўзим туғилиб ўсган қишлоққа қайтиб, фермерлик билан мустақил шуғулланишга киришдим. «Шарқ юлдузи» жамоа хўжалигига қарашли 5-бригаданинг дала шийпонини 671 минг сўмга сотиб олиб, ёнида 80 бош қорамолга мўлжалланган бостирма қурдим. Эндиликда 100 бош ҳайвонга мўлжалланган молхонани тиклаяпман.

Дилда иштиёқ бўлса, ҳамма нарсага имконият топилаверади. Ташаббускор ва фаол партия аъзоси, тажрибали фермер Мўминовнинг тиниб-тинчимаслиги боис янги хўжаликдаги ишлар тезда юришиб кетди. Фермер хўжалигини шакллантириш юзасидан кўрилган чоралар тўла имкон берди. «Тадбиркор» банкининг туман бўлимидан олинган 103 миллион сўм-купон қарзга 2 та трактор, 4 та прицеп ва бошқа зарур техника сотиб олинди, қорамоллар сони кўпайтирилди. Ишни 8 бош новвосдан бошлаган фермернинг ҳисобида айни кунларда 51 бош қорамол, 60 бош қўй бор. Дастлабки йили хўжалик давлатга 1,5 тонна гўшт етказиб берди. Ўтган йил режадаги 5 тонна ўрнига 5,5 тонна гўшт топшириб, мажбуриятни муддатидан олдин уддалади. Шу билан биргаликда сут топширишни ҳам йўлга қўйди. Бир ярим ойда фермер хўжалиги Шаҳрихон сут заводига 4,5 тонна сут етказиб берди.

Дунёда шундай бир ҳақиқат бор: кимки, нимани экса, шуни ўради. Меҳнат туфайли бахтини топган фермер Шукрулло Мўминов ўзининг тимсолида ишлаган кишининг элда кам бўлмаслигини кўрсатди. Энг муҳими, ундаги бу фазилат болаларига ҳам кўчди.

«Назармаҳрам» фермер хўжалиги тумандаги ёш жамоаларнинг бири. Унинг ташкил этилганига 7 ой бўлди. Шу орада хўжаликдаги 6 та қорамол 30 тага етказилди. Давлатга гўшт билан бирга сут етказиб бериш йўлга қўйилди. 12 бош соғин сигирдан 3,5 тонна серқаймоқ сут соғиб олиниб, «Янги ҳаёт» жамоа хўжалиги билан бу борада тузилган шартнома пухта адо этилди. Фермер хўжалигини тумандаги 1-қурилиш бошқармасининг бошлиғи, ХДП аъзоси Маъмуржон Муҳаммаджонов бошқармоқда. Асли қурувчи бўлган бу ишбилармон раҳбарга фермерлик ёт соҳа эмас. Унда чорвага ихлос болалигидан шаклланган.

— 30 бош қорамолга мўлжалланган молхонани битказай деб қолдик, — дейди Маъмуржон Муҳаммаджонов биз билан суҳбатда. — У ишга туширилгач, хўжалигимиз базасида Шаҳрихон сут заводининг сут қабул қилувчи таянч бўлимини очмоқчимиз.

Янгилик ўзимиздан ташқари шу атрофдаги фермерларнинг ҳам мушкулини енгиллаштиради. Улардан қабул қилиб олинган сутни қайта ишлаб, пишлоқ, сарёғ, қаймоқ тайёрлашни йўлга қўямиз. Музқаймоқ ишлаб чиқарамиз. Яқин истиқболда эса хориж билан алоқа боғлаб, мол айирбошлаш ҳисобига кичик цехлар очмоқчимиз. Уларда кунига икки юз килограммгача колбаса ишлаб чиқариладиган бўлади.

Туманда айни пайтда кўплаб фермер хўжалиги ишлаб турибди. Уларда 200 бош қорамол, 600 бош соғин сигир, 1,5 минг бош қўй боқиляпти. Бошқача айтганда, фермерлик ҳаракатини кенг ёйиш ҳисобига чорва маҳсулотларини етиштиришда қўшимча омиллар юзага келди. Энг муҳими, бу соҳага тасодифий кишилар келиб қолишгани йўқ. Уларнинг ҳар бири туман жамоатчилик комиссиясининг танловидан ўтишган. Танловда бу соҳага кўнгил бойлаганларнинг қизиқишигина эмас, балки имконият даражаси ҳам ҳисобга олинган. Чунки фермерлик тасодифий соҳа эмас. Унга чинакамига фидойилар керак. Айни пайтда туманда фермерларга чорва хизмати кўрсатишга йўналтирилган алоҳида ветеренарлик пункти ишлаб турибди. Кимёвий ўғит сотувчи 4 та дўкон бор. Техника хизмати кўрсатишга ихтисослаштирилган иккита янги магазин бу соҳага эҳтиёж сезганларнинг кунига яраяпти.

Яқинда ЎзХДП Андижон вилоят кенгаши деҳқон-фермер хўжаликларини оталиққа олиш тўғрисида қарор қабул қилди. Унга мувофиқ туман партия ташкилоти бу соҳага яқиндан ёрдам берадиган бўлди. Бу холис хизмат фермерларга шубҳасиз, яна бир имконият очади. Ахир қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди, деб шунга айтадиларда.

**Рустамжон АҲМАДАЛИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## ТЕРАКЗОРЛАР КЕНГАЙСИН

Республика Давлат ўрмон хўжалиги қўмитасида Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 8 февралда қабул қилган «Саноат теракчилигини ривожлантириш ва бошқа тез ўсувчи ёғочбоп дарахтзорларни барпо этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг бажарилишига бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов бошқарди. Мазкур тадбирда вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ҳамда вилоят ҳокимларининг ўринбосарлари, ўрмон хўжаликлари ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари иштирок этди.

Семинар-кенгашда мамлакатимиз халқ хўжалиги ва аҳолининг ёғоч материалларига бўлган эҳтиёжини ички имкониятлардан фойдаланиб қондириш мақсадга мувофиқ экани таъкидланди. Шу боис ўрмон хўжаликлари ва жойларда теракзор ва тез ўсувчи ёғочбоп дарахтзорларни кенгайтиришга катта эътибор берилмоқда. Бироқ мазкур қарорнинг бажарилиши ҳамма жойда ҳам кўнгилдагидек эмас. Ўтган йили ҳар бир вилоятда 700 гектар ерга терак экиш талаб қилингани ҳолда баъзи вилоятларда бу топшириқ бажарилмагани танқид қилинди.

Тадбирда терак ўстириш ишларини тубдан яхшилаш зарурлиги, нафақат ёғочбоп, балки турли мевали дарахтларни етиштиришга ҳам катта эътибор бериш лозимлиги уқтирилди. Сўзга чиққан нотиқлар вилоят ва туманларда бу борада олиб борилаётган ишлар, келгусидаги режалар ҳақида гапирдилар. Шу соҳа муаммоларига оид фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди.

Семинар-кенгаш иштирокчилари Тошкент ўрмон хўжалигининг Туябўғиз бўлимида бўлиб, бу ерда терак етиштириш борасида амалга оширилаётган ибратли ишлар билан танишдилар.

**(ЎзА).**

## ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА УЧРАШУВ

23 январь куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари С. Саидқосимов Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Рожер Маканик бошчилигидаги мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган миссияси вакиллари билан учрашди.

Учрашувда Ўзбекистон билан БМТ ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

**(ЎзА).**

## ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

### ДУГЛАС ДАЪВАТ ЭТАДИ

БУЮК БРИТАНИЯ ташқи ишлар вазири Дуглас Хэрд Россия ҳукуматини Чеченистондаги ҳарбий ҳаракатларни тўхтатишга даъват этди ва уруш туфайли оғир аҳволда қолган кишиларга инсонпарварлик ёрдами беришга чақирди. У Лондон бизнес мактабида Британия ҳукумати инсонпарварлик ёрдами учун 1 миллион фунт стерлинг миқдорида маблағ ажратишга қарор қилганини айтди. Дуглас Хэрд шунингдек, Россия қўшинларининг ҳарбий ҳаракатлари туфайли тинч аҳоли жабр чекаётганини танқид қилди.

### КАСАБА УЮШМАЛАР БИРЛАШУВИ

**УКРАИНАЛИК кончиларнинг мустақил касаба уюшмалари бирлашишга ҳаракат қилмоқда. Шу мақсадда Донбассдаги кончиларнинг мустақил касаба уюшмалари ўз конференциясини бошлади. Ўнда Донецк ва Луган вилоятидан келган кончилар вакиллари ҳам иштирок этади. Кучларни бирлаштиришдан мақсад кончилар ҳаракатини мамлакат пойтахти Киевдан энг кўп қазилма ишлари олиб бораётган бошқа ҳудудларга кўчиришдир.**

### ҲУЖЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ

МОСКВАДА Қозоғистон Республикаси билан Россия Федерацияси расмий делегацияларининг олий даражадаги учрашувлари бўлди. Президентлар Нурсултон Назарбоев билан Борис Ельциннинг тор доирадаги учрашуви ва бош вазирлар Акежон Кажегелдин билан Виктор Черномирдин ўртасидаги музокаралардан сўнг икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Унда икки мамлакатнинг ижтимоий, иқтисодий ва ҳарбий-техник соҳалардаги ҳамкорлигига оид ҳужжатлар имзоланди.

### УКРАИНАГА ТУРКМАНИСТОН ГАЗИ

**УКРАИНА Президенти Леонид Кучма ва Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов бу йил Туркманистондан Украинага 20 миллиард кубметр газ келтирилиши ҳақида битим имзолади. Ушбу ҳужжатга асосан, етказилган газнинг 40 фоизи учун Украина Туркманистонга валютада ҳақ тўлайди. Газнинг қолган қисми учун эса мамлакат машинасозлик, химия саноати, самолётсозлик маҳсулотлари ҳамда халқ истеъмоли моллари етказиб беради. Туркманистон Президентининг журналистларга маълум қилишича, 1993-1994 йилларда етказиб берилган газ учун Украина Туркманистонга тўлаши керак бўлган маблағнинг 800 миллион доллари 7 йилга берилган кредит сифатида расмийлаштирилган.**

**(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди.)**

## ЎЗБЕК ПАСПОРТИ

Эркли нишонимни тутқазиб қўлга,
Астойдил бахш эт деб хизматинг элга,
Она - Ватан мени бошлади йўлга,
Мен унинг изми-ла қайта туғилдим,
Гувоҳлик бергувчи ҳужжат — паспортим!
Шу ҳужжат кўксимни кўтарган замон,
Фуқаролигимдир — энг олий нишон,
Ўзлигим биллурдай унда намоён,
Қай замин, миллатим, насл-насабим,
Гувоҳлик бергувчи ҳужжат — паспортим!
Аждодим Тўмарис, Нажмиддин Кубро,
Ал-Хоразмий, Навоий, Нақшбанд, Сино,
Беруний, Улуғбек тарқатган зиё,
Мен шулар авлоди — Турондир юртим,
Гувоҳлик бергувчи ҳужжат — паспортим!
Ватанга муҳаббат аждоддан мерос,
Ўтроқлик, элёрлик бизнинг халққа хос,
Маяковский ҳам қилгудек ҳавас,
Олтин маъдан кони — ўзбекдур элим,
Гувоҳлик бергувчи ҳужжат — паспортим!
Дин-имон, диёнат халқимга ёрдир,
Қайга учай десам эрк-ихтиёрдир,
Ҳимоя қилувчи Ватаним бордир,
Ёлғиз қолдирмагай бизларни бир зум,
Гувоҳлик бергувчи ҳужжат — паспортим!

**Қурбон МУҲАММАДРИЗО.**



*Мустақил давлатимизнинг яна бир рамзи — Ўзбекистон фуқароси паспорти ҳаётимиздан ўз ўрнини эгаллади. Йил бошидан буён республиканинг минглаб фуқаролари янги паспорт олдилар. Шунингдек, яқинда Тошкентнинг Юнусобод тумани ички ишлар бошқармасида ҳам фуқароларга тантанали вазиятда паспорт топшириш маросими бўлди.*

*СУРАТДА: милиция подполковниги Рустам Шокиров Қодир ҳожи Мўминовга янги паспорт топширмоқда.*

**С. ЗУФАРОВ, (ЎзА) олган сурат.**

*Ислоҳотга тўсиқ бўлмайлик*

## ТАДБИРКОРГА «ТАДБИР» КЎРАЁТГАНЛАР

Бугунги кунда эртани ўйлаган раҳбарлар турли соҳаларда тадбиркорлик билан шуғулланаётган кишиларга кенг йўл очиб бермоқдалар. Фарғона вилоятида ҳам бу соҳада бир қатор ибратли ишлар амалга оширилган. Аммо, шоли курмаксиз бўлмаганидек, мулкни давлат тасарруфидан чиқариб жамоа ёки хусусий мулкка айлантириш йўлига тўғаноқ бўлаётган раҳбарлар ҳам учраб турибди.

Марғилондаги «Бунёдкор» ҳиссадорлик уюшмаси илгари Фарғона вилоят қурилиш-таъмирлиш трестига қарашли 56-қурилиш-таъмирлаш бошқармаси, деб юритиларди. 1994 йил июнь ойида корхона меҳнат жамоаси бошқармани сотиб олиб, хусусийлаштирди. Бироқ, трест маъмуриятига бу маъқул тушмади чоғи, «Бунёдкор»ни яна ўз тасарруфига киритиш ҳаракатига тушди. Натижада корхона меҳнат жамоаси ишлаш ўрнига судма-суд, идорама-идора юришга мажбур бўлди. Бу масала 6 марта Марғилон шаҳар ҳокимлигида, 2 марта вилоят прокуратурасида, 6 марта яна бошқа идораларда муҳокама қилинди. Икки марта уюшманинг банкдаги ҳисоб рақами ёпиб қўйилди. Хўжалик суди икки карра бу ишни кўргач, ниҳоят яқиндагина масалани жамоа фойдасига ҳал қилди. Тўғри, иш ижобий ечимини топди, аммо бу орада беҳуда сансалорлик туфайли кетган вақт, бажарилмай қолган ишлар-чи?...

Қўқон шаҳридаги «Марҳабо» ва «Навбаҳор» кафелари ходимларининг бу кафеларни сотиб олиш ҳақида берган аризалари шаҳар умумий овқатланиш корхонаси раҳбарларининг эътиборсизлиги туфайли бир йил давомида ҳам ижобий ҳал этилмади. Фақатгина вилоят давлат мулкини хусусийлаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси аралашгандан сўнггина аризачилар ниятларига эришдилар. Бешариқ тумани матлубот жамиятлари уюшмасига қарашли дўконларни хусусийлаштириш мақсадида 35 киши ариза берганди. Аммо уюшма раҳбарлари бунга унча рўйхушлик беришмади, шекилли. Масалага прокуратура аралашгач, шикоятчиларнинг ҳақли талаблари қондирилди. Ёзёвон момиқ фабрикаси тикув цехини, Охунбобоев туманидаги Солижонобод матлубот жамиятининг 6-озиқ-овқат дўконини хусусийлаштириш масаласида ҳам шундай тўсиқларга дуч келинди.

Хусусийлаштириш ҳақидаги қонунларни суиистеъмол қилиб, тадбиркорликдан одамларни бездираётган устомонлар ҳам йўқ эмас. Вилоят матлубот ҳиссадорлик жамияти тафтишчиси А.Тошболтаев Бувайда туманидаги хусусий мулк эгаларидан ордер пули тўлашни талаб қилган. Ҳолбуки, амалдаги қонунга биноан бундай ордерлар тадбиркорларга текинга берилади. Натижада тумандаги учта дўкон ва 29 та нонвойхонани хусусийлаштириб олган тадбиркорлар; «Э, эшагидан тушови қиммат экан-ку», дея дўкон ва новвойхоналардан воз кечганлар. Хайриятки, вилоят давлат мулкини тасарруфидан чиқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармасидаги зийрак ходимлар воқеанинг тагига етишган.

Баъзан эса бундай ҳодисаларнинг тескариси, дўкон ёки корхонани хусусийлаштириб қўйиб, ундан фойдаланмайдиганлар ҳам йўқ эмас. Қўқон шаҳридаги 10/1 хўжалик моллари дўкони 1993 йил октябрь ойида жамоа мулкига айлантирилган эди. Аммо шундан кейин дўкон эшигига тушган қулф бир йилгача ҳам очилмади. Албатта, бундай аксил тадбиркорларга чоралар бор. Ахир бир йил давомида на ўзига ва на эл-юртга фойда келтирмаган дўкондан не наф? Натижада дўкон яна давлатга қайтарилди ва кўчмас мулк биржасига сотилишга қўйилди.

— Ҳозиргача Фарғона вилоятида 4500 га яқин корхона ва иншоотлар хусусийлаштирилди. Тадбиркорларнинг обрў-эътибори ошди. Вилоят иқтисодиётида тутган ўринлари мустаҳкамланиб бормоқда, — дейди вилоят давлат мулкини хусусийлаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи А.Отажонов, — аммо тадбиркорлик ҳаракатига ғов бўлаётган тўсиқлар ҳам йўқ эмас. Биз бундай нохуш кўринишларни бартараф этиш учун барча чора-тадбирларни кўраяпмиз.

**Алишер ИБОДИНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

*Луқма*

## «ҚУЁН» АВТОБУСЛАР

Мустақил юртимизда фуқароларни ижтимоий ҳимоялашда қатор силжишларга эришиляпти. Бироқ негадир Навоий вилоятида транспорт хизматида жиддий ўзгариш сезилмаяпти.

Маълумки, вилоят ҳудудий жиҳатдан чўл ва ярим чўл зонасига бўлинади. Айниқса, Қизилқум кенгликлари вилоят марказидан 200-250 километр олисда.

Вилоят маркази ва унинг шаҳаролди туманларида транспорт хизмати яхши йўлга қўйилган бўлса-да, аммо Зарафшон, Учқудуқ шаҳарлари, Томди томонларга автобуслар қатнови талаб даражасида эмас. Айниқса, қишлоқ туманларига қатнов ниҳоятда мушкул. Биргина Навбаҳор ёки Конимех туманларини оладиган бўлсак, ҳафталаб, ҳатто ойлаб маршрутдаги автобуслар кўринмайди. Жумладан, «Навоий — Бешработ», «Навоий — Олчин», «Навоий — Оқолтин», «Навоий — Арабсарой» «Навоий — Зарафшон» йўналишида қатнайдиган автобуслар қуён мисоли бир кўриниб, бир кўринмайди. Нажот излаб йўлга чиққан йўловчининг асаби эса ниҳоятда таранглашган.

— Касалхонага бориш ниятида йўлга чиқиб кун бўйи автобекатда қолиб кетдим,— дейди навбаҳорлик фуқаро Сайфи Асадов.— Наҳотки энди туман маркази Бешработдан Арабсаройгача автобус қатновини намунали йўлга қўйиш шунчалик мураккаб бўлса? Ахир, биз, йўловчиларда нима айб? Йўлкира ҳақи икки — уч баравар ошган бўлса-да, биз қулоқ қимирлатмай тўлаяпмиз. Шундай экан, транспорт хизматини таъминлаш мутасадди раҳбарларнинг диққат-эътиборида бўлмоғи керак-да.

— Касалликни бошига тушган билар экан. Қатор йиллардан буён қанд касалига дучорман. Яқинда шифокорларга мурожаат қилиш мақсадида Навоий — Конимех автобусини кутиб кечга қадар қолиб кетдим. Такси ушлай десам чўнтагим кўтармайди,—дейди конимехлик фуқаро Раҳмон Аслонов.— Транспортга ҳали-бери жон кирмайди чоғи!

Бу сингари арзларни Юсуф Бердихолов, маликработлик Хусен Акмаловлардан ҳам эшитдик. Дарвоқе, йўл азобини йўловчидан сўра деганларидек, автобус машаққатини тўла тушуниб етмоқ керак. Шу ўринда вилоят автотрест раҳбарларига ҳам эътирозимиз бор. Наҳотки энди автобуслар хизматини намунали йўлга қўймоқ, йўловчилар оғирини енгил қилмоқ шунчалик мушкул бўлса?!

Балки Навоий вилояти раҳбарлари бу ҳақда бир ечимга келишар.

**Музаффар ШАРОПОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

